



РАҚАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a66](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a66)

Бахромова Дилбар Бахромовна -
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика
қўмитаси Ижтимоий соҳа ва барқарор
ривожланиш статистикаси бошқармаси,
етакчи мутахассиси

Аннотация. Ушбу мақолада янги Ўзбекистоннинг рақамли трансформацияси жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни, соҳада рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари, қўллаш йўналишлари, хизматлар соҳасини рақамлаштиришдаги муаммолар илмий тадқиқ этилган. Соҳани ривожлантириш бўйича маълумотларнинг статистик таҳлили олиб борилган ва хизматлар бозорини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, рақамли иқтисод, электронлаштириш, рақамли технологиялар, ЯИМ, меҳнат, меҳнат муносабатлари, экспорт, импорт, туризм.

СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ И ТЕНДЕНЦИИ РЫНКА УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ В КОНТЕКСТЕ ЦИФРОВЫХ ИЗМЕНЕНИЙ

Бахромова Дилбар Бахромовна -
Государственный комитет Республики Узбекистан
по статистике Управление статистики социальной
сферы и устойчивого развития. ведущий специалист.

Аннотация. В данной статье была исследована роль сферы услуг в процессе цифровой трансформации нового Узбекистана, перспективы применения цифровых технологий в этой области, направления применения, проблемы в цифровизации сферы услуг. Был проведен статистический анализ данных о развитии сферы и разработаны научно обоснованные предложения по развитию рынка услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, цифровая экономика, электрификация, цифровые технологии, ВВП, Рабочая сила, Трудовые отношения, Экспорт, импорт, туризм.

THE STATE OF DEVELOPMENT AND TRENDS OF THE SERVICES MARKET IN UZBEKISTAN IN THE CONTEXT OF DIGITAL CHANGES

Bakhromova Dilbar Bakhromovna -
The State committee of the Republic of Uzbekistan on
Statistics. Department of Social and Sustainable
Development Statistics. Leading specialist

Annotation. In this article, the role of the service sector in the process of digital transformation of the new Uzbekistan, prospects of the application of digital technologies in the field, directions of application, problems in the digitization of the services sector were investigated. Statistical analysis of data on the development of the sphere was carried out and scientifically based proposals on the development of the market of services were developed.

Keywords: services industry, digital economy, electronization, digital technology, GDP, Labor, Labor Relations, Export, import, tourism.

Кириш. Кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш республика иқтисодиётининг жадал тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратади. Хизматлар ҳажмининг ўсиши ишсизлик ва камбағаллик даражасини камайтиришда муҳим омил ҳисобланади. Чунки хизмат кўрсатиш корхоналарини

ташкил этиш учун, одатда, товар ишлаб чиқаришга қараганда, анча кам маблағ ва ресурслар сарф этилади. Бу эса ўз навбатида, хизмат кўрсатишга мўлжалланган тадбиркорлик субъектлари кўпайишини рағбатлантиради. Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши эса янги иш ўринларининг яратилиши ва бандлик даражасининг ошишини англатади.

Жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг рақамли технологиялар асосида ривожланиши билан дунёда иқтисодиётнинг сервислашуви, яъни моддий ишлаб чиқариш соҳалари фаолиятининг ҳам турли даражадаги хиз-

матлар билан уйғунлашув тенденцияси кузатилмоқда. 2019 йилнинг декабрь ойидан жаҳон миқёсида тарқалган COVID-19 (коронавирус) пандемияси шароитида сервислашувнинг жадал тараққиёти кузатилди.

Халқаро баҳолаш тузилмалари ва иқтисодий тараққиёт бўйича ахборотлар базаси маълумотларига кўра, 2019 йилда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулот (GDP)даги улуши юқори бўлган мамлакатлари сифатида АҚШ – 77,4 % (ЯИМ ҳажми бўйича 2-ўринда), Буюк Британия – 71,0 % (ЯИМ ҳажми бўйича 9-ўринда), Франция – 70,3 % (ЯИМ ҳажми бўйича 10-ўринда), Канада – 70,2 % (ЯИМ ҳажми бўйича 16-ўринда), Япония – 69,1 % (ЯИМ ҳажми бўйича 4-ўринда) кўрсатиб ўтилган [1].

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатидаги хизматлар соҳасининг роли жуда долзарб ҳисобланади. Бу, авваламбор, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорнинг кундалик ва яқка тартибдаги талабдаги товарлар билан тўйиниши, фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши билан боғлиқ ва у жамият ҳаётидаги янгиланишларга олиб келади. Бу ўзгаришларни ахборот, молиявий, транспорт, суғурта ва бошқа хизмат турларининг мавжудлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, хизматлар товарлар савдосининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади, чунки товарни сотиш, асосан, сотиш вақтидаги ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича хизматлардан ташкил топган ривожланган шахобчаларнинг мавжудлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида хизматлар соҳасида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлмоқда. Охириги ўн йилликда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши жадал ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва бандлик муаммосини ҳал этиш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Турли хизматлар кўрсатиш орқали, биринчидан, аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари қондирилса; иккинчидан, иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилади; учинчидан мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиши ҳамда аҳоли даромадларининг ортишига олиб келади. Шунинг учун ҳам танланган мавзу доирасидаги аҳолига қулай хизматлар кўрсатиш, иш билан таъминлаш ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиши илмий тадқи-

қотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хизматлар соҳасини назарий тадқиқ қилишда, энг аввало, “хизматлар”, “хизматлар соҳаси” каби атамаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. “Хизматлар” атамаси олимлар томонидан иқтисодий адабиётларда турлича нуқтаи назардан талқин қилинади. Ушбу атамалар доирасида кўплаб хорижлик ва мамлакатимиз олимлари назарий тадқиқотлар олиб боришган.

Буюк иқтисодчи Адам Смит (1723-1790) хизмат шаклидаги ноз-неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб бериш ҳамда унинг мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини ҳал этиш мақсадида ўзининг жаҳонга машҳур “Халқлар бойлигининг табиат ва сабаблари тадқиқоти” номли асаридан “унумли меҳнат” ва “унумсиз меҳнат” тушунчалари хусусида фикр билдирган [2]. Шу орқали А.Смит моддий ва номоддий ишлаб чиқаришни фарқлаб дастлабки хизмат тушунчаси яралишига катта ҳисса қўшган.

“Хизмат” атамаси олимлар томонидан иқтисодий адабиётларда турлича нуқтаи назардан қўлланилиб, иқтисодий билим соҳасига боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Ушбу атама доирасида кўплаб хорижлик ва маҳаллий олимларимиз назарий тадқиқотлар олиб боришган. Таниқли олимлардан бири Ф.Котлер бўлиб, у хизматга қуйидагича таъриф беради: “Хизмат бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдир” [3].

Г.А.Аванесова, Л.П.Воронкова, В.И.Маслов, А.И.Фроловлар томонидан тузилган “Туризм, гостепримство, сервис” номли “Луғат-маълумотнома”да хизматга қуйидагича таъриф берилган: “Хизматлар бажарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорлик натижаси, шу билан бирга, мижозлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган бажарувчининг шахсий фаолиятидир” [4].

Республикамизнинг таниқли олимларидан И.С.Тухлиев: “Хизматлар кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир” [5], – дейди ва ушбу ёндашувда олим хизматнинг товар хусусиятини ифодалаган, яъни “хизматлар ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш жараёнларидаги меҳнат муносабатларини ўзида акс эттиради, аммо ишлаб чиқариш жараёни натижаси номоддий шаклга эга бўлади” деб таъкидлашга ҳаракат қилади.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан И.С.Очилов “Хизмат дейилганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган

онгли кўрсатилиши мумкин бўлган фаолияти тушунилади” [6] деб ҳисоблайди.

Ж.М.Қурбонов эса хизмат кўрсатишга “инсонларнинг яхшилик, эзгулик, манфаат келтириш йўлидаги ҳаракати билан фаолият олиб бориши тушунилади” [7] деб таъриф берган.

Шу билан бирга, рақамлаштириш борасида ҳам бир қатор олимлар ўз қарашларини таъкидлашган. Иқтисодиёт ва жамиятнинг “рақамлаштириш” жараёни (инглиз тилида – digitalization, яъни рақамлаштириш, баъзан эса digitalization, яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради) ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода “рақамлаштириш” жараёни, одатда, рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади, ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологияларидир [9]. Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган.

Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов: “Рақамли иқтисод – ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит”, – деб таъриф берган [10].

Томск давлат университетининг профессори Р.Мешчеряковнинг фикрича, “рақамли иқтисодиёт” атамасига иккита ёндашув мавжуд. Рақамли технологиялар асосидаги иқтисодиёт ва электрон товар ва хизматлар эксклюзив доменини тавсифловчи рақамли иқтисодиёт: биринчи ёндашув “классик” деб номланади, унга мисоллар: телетиббиёт, масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва ҳоказо) [11].

Иккинчи ёндашув – “рақамли иқтисод” илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир. М.Л.Калужский: “Рақамли иқтисодиёт иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир”, – деб таърифлаган [12].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақола ни ёритишда статистик, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, абстракт мантиқий таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодий маконига интеграцияси даражасига қараб хизматлар импорти ва экспортининг ривожланиши бир қатор хизматларнинг мавжуд бўлиши учун янги технологик асосларнинг пайдо бўлишини талаб этади. Шу билан бирга, жами хизматлар тарки-

бида бозор хизматлари катта улушни (60 %дан ортиқ) эгаллайди.

Миллий ва халқаро статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонга киритилаётган чет эл инвестицияларининг 40 %дан ортиғи хизматлар соҳасини ривожлантириш учун жалб этилмоқда ва бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ушбу соҳаси ривожланишининг долзарблиги ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг юқори ривожланишида савдо хизматлари 2010 йилдаги 6620,8 млрд. сўмдан 2019 йилда 48748,2 млрд. сўмга, транспорт хизматлари 2010 йилдаги 10524,4 млрд. сўмдан 2019 йилда 54473,5 млрд. сўмга, молиявий хизматлар 2010 йилдаги 2643,7 млрд. сўмдан 2019 йилда 34036,6 млрд. сўмга, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар 2010 йилдаги 2080,2 млрд. сўмдан 2019 йилда 10891,7 млрд. сўмга, таълим соҳасидаги хизматлар 2010 йилдаги 763,1 млрд. сўмдан 2019 йилда 7164,9 млрд. сўмга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2010 йилдаги 292,7 млрд. сўмдан 2019 йилда 5933,6 млрд. сўмга, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 2010 йилдаги 809,3 млрд. сўмдан 2019 йилда 5950,7 млрд. сўмга жадал суръатларда ўзгарганлигини кўришимиз мумкин [13].

Таҳлил амалга оширилган йиллар давомида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмининг барқарор суръатларда ривожланганлиги ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улушига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Маълумотлардан сўнгги 10 йил давомида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмининг жадал ортиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Бу, албатта, охириги йилларда истеъмолчиларнинг хизматлар соҳасида яратилаётган номоддий маҳсулотларга бўлган талабининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳолининг бандлигини ошириш билан биргалиқда, уларнинг турмуш фаровонлиги ошиши ва камбағалликнинг қисқаришига замин яратади. Шунинг эътиборга олган ҳолда, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш мақсадида хизмат кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ҳудудий ва соҳалар кесимидаги ўзгаришларини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ тенденцияларни ажратиш олишга ҳаракат қилинди.

XIZMAT KO'RSATISH

1-жадвал

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми [14] (трлн. сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар										2019 йилда 2010 йилга нисбатан %да
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Хизматлар – жами	27,127	35,196	44,386	55,873	68,032	78,530	97,050	118,811	150,890	193,698	714,0
<i>Жумладан, асосий турлари бўйича:</i>											
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	2,080	2,653	3,219	3,750	4,541	5,182	6,307	8,197	10,333	10,892	523,6
молия хизматлари	2,644	3,347	4,209	5,547	6,728	8,207	9,898	15,024	21,296	34,037	1287,5
транспорт хизматлари	10,524	13,572	16,499	20,562	23,781	26,817	30,618	36,217	44,159	54,474	517,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,293	0,381	0,463	0,590	0,729	0,891	3,039	3,650	4,673	5,934	2027,2
савдо хизматлари	6,621	8,790	11,534	14,808	18,979	21,367	27,368	32,007	39,743	48,748	736,3
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0,809	1,064	1,409	1,755	2,236	2,757	3,405	4,027	4,949	5,951	735,3
таълим соҳасидаги хизматлар	0,763	1,027	1,385	1,793	2,154	2,681	3,263	4,402	5,417	7,165	938,9
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0,258	0,354	0,499	0,672	0,870	1,100	1,416	1,702	2,220	3,104	1203,2
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	0,548	0,694	0,903	1,177	1,495	1,802	2,270	2,589	3,297	3,734	681,3
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	0,624	0,763	0,944	1,123	1,388	1,725	2,188	2,329	2,631	3,200	512,7
шахсий хизматлар	0,757	0,964	1,234	1,558	2,036	2,367	2,916	3,134	3,701	4,576	604,8
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	0,299	0,383	0,537	0,661	0,749	0,841	1,133	1,612	2,954	4,543	1518,4
бошқа хизматлар	0,907	1,204	1,552	1,877	2,345	2,795	3,230	3,922	5,517	7,342	809,7

Хизматлар соҳасининг мамлакат миқёсидаги ривожланиш даражаси ҳудудлар бўйича ҳам кузатилиб, соҳа кўрилатган давр оралиғи-

да миллий иқтисодиётнинг қолган тармоқ ва соҳаларига нисбатан жадал ривожланганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

Ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми [13] (трлн. сўм ҳисобида)

Ҳудудлар	Йиллар										2019 йил 2010 йилга нисбатан %да
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Ўзбекистон Республикаси	27,127	35,196	44,386	55,873	68,032	78,530	97,050	118,811	150,890	193,698	714,0
Қорақалпоғистон Республикаси	0,671	1,062	1,350	1,710	2,148	2,550	3,101	3,611	4,600	5,672	845,1
Андижон	1,322	1,778	2,365	3,092	4,009	4,685	5,766	6,627	8,012	9,804	741,6
Бухоро	1,073	1,414	1,845	2,408	3,046	3,751	4,756	5,421	6,632	8,413	784,4
Жиззах	0,439	0,612	0,818	1,035	1,325	1,727	2,155	2,531	3,283	4,305	980,0
Қашқадарё	1,137	1,526	2,004	2,643	3,391	4,059	5,138	5,860	7,064	8,801	774,3
Навоий	0,641	0,894	1,139	1,400	1,763	2,068	2,594	3,068	3,926	5,056	789,2
Наманган	0,970	1,317	1,785	2,292	2,961	3,321	4,408	4,999	6,068	7,748	798,8
Самарқанд	1,799	2,337	3,081	3,983	5,066	5,833	7,201	8,343	10,044	12,787	710,7
Сурхондарё	0,796	1,085	1,451	1,918	2,471	3,068	3,845	4,486	6,080	6,982	876,8
Сирдарё	0,347	0,478	0,623	0,747	0,916	1,103	1,356	1,604	2,031	2,727	785,6
Тошкент	2,253	2,749	3,473	4,429	5,530	6,446	8,113	9,347	11,293	14,568	646,5
Фарғона	1,471	2,042	2,707	3,532	4,473	5,256	6,671	7,602	9,238	11,684	794,1
Хоразм	0,863	1,066	1,380	1,788	2,191	2,549	3,119	3,646	4,563	5,763	667,9
Тошкент ш.	8,806	10,876	13,382	16,291	19,780	23,109	29,473	38,660	50,176	65,759	746,8

Худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2010-2019 йиллар бўйича динамик қатори таҳлили бошқа худудларга нисбатан юқори кўрсаткичларга Жиззах (979,9 %), Сурхондарё (876,8 %), Қорақалпоғистон Республикаси (845,1 %), Наманган (798,8 %), Фарғона (794,1 %), Навоий (789,2 %) вилоятларида эришилганлигини кўрсатади.

Худудлар бўйича хизматлар ҳажмининг ривожланиши 2010 ва 2019 йилларда мос равишда Жиззах вилоятида 439,3 млрд. сўмдан 4305,1 млрд. сўмга, Сурхондарё вилоятида 796,3 млрд. сўмдан 6981,9 млрд. сўмга, Қорақалпоғистон Республикасида 671,1 млрд. сўмдан 5671,8 млрд. сўмга, Наманган вилоятида 969,9 млрд. сўмдан 7747,6 млрд. сўмга, Фарғона вилоятида 1471,3 млрд. сўмдан 11684,1 млрд. сўмга, Навоий вилоятида 640,7 млрд. сўмдан 5056,2 млрд. сўмга жадал суръатларда ўсиш тенденциясига эришилганлигини кузатиш мумкин [12].

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, 2010-2019 йилларда мамлакатимизнинг барча худудларида хизматлар ҳажмининг барқарор равишдаги ўсиш тенденциясига эришилган. Бу, албатта, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналиши (Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш)да белгиланган қуйидаги йўналишлар бўйича мақсадга эришилишини жадаллаштиради:

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш учун давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш;
- ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш;

– кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технолог турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

– туризм саноатини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш бўйича имтиёзларни кенгайтириш;

– туризм хизматларини диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш;

– туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

– экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш;

– экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш;

– иқтисодий тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш;

– саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайитириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш асосида худудларнинг комплекс ва мутаносиб ривожланишини амалга ошириш.

Худудларда кўрсатилаётган хизматлар ҳажмида иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ривожлантириш, саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. INF – World Economic Outlook Database, 2019.
2. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. – Самарқанд: Zarafshon, 2017 йил.
3. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С.Г. – СПб.: Питер, 2006. – 464 с.
4. Аванесова Г.А., Воронкова Л.П., Маслов В.И., Фролов А.И. Туризм, гостепримство, сервис. Словарь-справочник. Под ред. Л.П.Воронковой. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 367 с.
5. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Е., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. – 247 б.
6. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқт. фан. ном. дис. автореф. – Самарқанд, 2010. – 28 б.
7. Курбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. // "SERVIS". Илмий-оммабон журнал. 2009, 1-сон, 56-б.
8. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. – 247 б.
9. Данное определение приводится, в частности, экспертами UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09_Katz_en.pdf)
10. Алексеев И.В. Информационное обеспечение системы управления франчайзинговыми предприятиями. / И.В. Алексеев, Е.В. Рибокене. // Экономические и гуманитарные науки. 2015. № 1 (276). С. 105-110.
11. Калужский М.Л. Маркетинговые сети в электронной коммерции: институциональный подход. / М.Л. Калужский. – М., Берлин: Директ-Медиа, 2014. – 402 с.
12. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.